

12-1-2018

INFORMATION TECHNOLOGIES AND THEIR INVOLVING TO PRACTICE (EXAMPLE OF INSURANCE COMPANIES)

Y. Ilkhomova

Tashkent Financial institute

B. Rustamov

Tashkent Financial institute

F. Khursanov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Ilkhomova, Y.; Rustamov, B.; and Khursanov, F. (2018) "INFORMATION TECHNOLOGIES AND THEIR INVOLVING TO PRACTICE (EXAMPLE OF INSURANCE COMPANIES)," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 26.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Илхомова Ё - ТМИ, и.ф.н, доцент
Рустамов Б – ТМИ, талаба
Хурсанов Ф – ТМИ, талаба

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ (СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МИСОЛИДА)

Мақолада замонавий информацион технологияларни суғурта ташкилотларида қўлланиши ёритилган, интернет-суғурта амалиётининг хориж тажрибаси таҳлил қилинган, Ўзбекистонда суғурта компанияларида интернет-суғурта тизимини жорий қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта, интернет, суғурта хизматлари, суғурта полислари, хавфсизлик.

В статье рассматривается использование современных информационных технологий в страховых компаниях, анализ зарубежного опыта интернет-страхования, внедрение интернет-страхования в страховых компаниях в Узбекистане, обеспечение информационной безопасности.

Ключевые слова: страхование, интернет, страховые услуги, страховые полисы, безопасность.

The article discusses the use of modern information technologies in insurance companies, the analysis of foreign experience of Internet insurance, the introduction of Internet insurance in insurance companies in Uzbekistan, information security.

Keywords: insurance, Internet, insurance services, insurance policies, security.

Кириш

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” доирасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатда миллий иқтисодийни ривожлантириш мақсадида иқтисодийда, молия, шу жумладан, суғурта хизматлари бозорида ўзгартиришлар ва ислохотлар ўтказиш кўзда тутилган [1]. Бу, ўз навбатида, замонавий суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш, рақобатни кенгайтириш, миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, янги суғурта маҳсулотларини жорий этиш учун шароитлар яратишни назарда тутди.

Бу республика суғурта бозорининг барча иштирокчиларидан фаолият соҳасининг барча йўналишларида, халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш босқичидан тортиб, юқори даражадаги хизмат кўрсатиш ва аҳолининг суғурта тизимида бўлган ишончини оширишга бўлган фаолият самарадорлигини оширишни талаб этади.

Суғурта соҳасига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш ахборот алмашинувининг ягона тизимини шакллантириш, ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда суғурта фаолиятида иш жараёнлари самарадорлигини оширишда қўл келади. Суғурта бозоридаги рақобатнинг кучайиб бораётгани, шунингдек, тақдим этилаётган суғурта хизматлари сони ва

сифатига мижозларнинг талабидан келиб чиқиб, мамлакат суғурта компаниялари дунё суғурта бозорининг илғор ва инновацион тажрибаларини ўрганган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириш ва суғурталанувчиларнинг шахсий ва мулкый манфаатларига ишончли суғурта ҳимоясини тақдим этишни мақсад қилган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда кўплаб соҳалар қатори суғурта бозорини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Суғурта ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳукуқий, ташкилий-техник шарт-шароитлар яратилиб, аҳоли ва мижозларга ҳар томонлама қулай бўлган суғурта хизматлари кўрсатувчи шахобчалар ташкил этилмоқда. Юртимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, иқтисодиёт тармоқларида яратилаётган қулай ва жозибадор сармоявий муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнлари ва уларнинг манфаатларини суғурта орқали ҳимоя қилиш ҳам соҳа ривожига ўзига хос ҳисса қўшмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Адабиётлар шарҳи

Суғурта тизимини ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Битирув малакавий ишининг тадқиқот мавзуси доирасида илмий изланишлар олиб борган хориж иқтисодчи-олимлар қаторига А.Александров, А.Архипов, Ю.Ахвледиани, В.Бельгх, И.Балабанов, С.Берёзика, А.Вагиер, В.Гарькуша, Ф.Герман, Б.Гомелля, Э.Кросита, И.Никулинз, В.Рябикина, Б.Сербиновский, Д.Тулентм, В.Шаховларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда суғурта тизими ва суғурта бозори ривожланишининг йўналишлари иқтисодчи-олимлар М.Асқарова, Г.Ахунова, Х.Боев, Т.Баймуротов, О.Жўраев, Т.Иминов, Ш.Имомов, М.Мирсодиқов, А.Нуруллаев, Й.Турсунов, М.Ходжаева, А.Шермухамедов, Х.Шеннаев, Р.Ҳусанов, А.Ядгаров, А.Нуруллаев, И.Абдурахмоновларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган. Шунга қарамасдан, суғурта ташкилотлари инфор­мацион технологияларни қўллаш масаласи ханузгача тўлиқ кўриб чиқилмаган. Замонавий иқтисодиётни шакллантиришда суғурта соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва истиқболлари ҳозирда долзаб аҳамият касб этади.

Таҳлил

Ўзбекистонда суғурта компаниялари томонидан инфор­мацион технологияларни жорий этиш амалиётини қўллаш амалга оширилмоқда, масалан суғурта хизматларини тақдим этишда интернет тармоғидан кенг фойдаланилмоқда. Мижоз онлайн режимида суғурта хизматларини олиш учун ўзининг мобиль телефони рақамини кўрсатган ҳолда, компаниянинг расмий сайтида рўйхатдан ўтиши зарур. Рўйхатдан ўтгандан сўнг мижозга виртуал шахсий кабинет тақдим этилади. Шахсий кабинетда баланс тўлдирилишини кузатиш, суғурта хизматларидан фойдаланиш, суғурта билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида савол бериш ва маълум қилиш имконияти мавжуд.

Шуни айтиш жоизки, ахборот коммуникацион технологияларни молиявий институтларда, хусусан, суғурта соҳасида қўллаш йилдан-йилга глобал характерга эга бўлиб бормоқда. Юқори технологияли соҳалар тузилмасида ўзгартиришларни келтириб чиқарган АКТнинг таъсири туфайли қайта ишлаб чиқариш жараёнининг ва бутун молиявий хизматлар бозорининг модернизацияси амалга ошади. Мисол учун, электрон тижоратнинг ривожланиши бугуннинг ўзида инвестицион ва ишлаб чиқариш занжирининг барча бўғимларининг ўзаро алоқасида глобал ўзгаришларни юзага келтириш билан биргалликда ишлаб чиқарувчилар билан жуда катта ҳажмдаги товарлар ҳамда хизматларнинг истеъмолчилари манфаатларига мос келди. Бу ҳолат албатта, ахборотли иқтисодиёт даврининг бошланиши муносабати билан янги босқичга олиб чиқилиши лозим бўлган иқтисодий тадқиқотлар услубиёти ва методологиясида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Суғурта компанияларида бугунги кунга келиб полислар, суғурта ва қайта суғурта қилиш шартномалари, брокерлик ва агентлик шартномалари, шунингдек, бухгалтерия ва ходимлар ҳисобининг функцияларини ўз ичига олган ERP(Enterprise resource planning)тизимларга талаб ортмоқда. ERP-тизимлар суғурта шартномалари, хавфлар, мукофотлар, тўловлар ва кейинчалик компания томонидан статистик ва иқтисодий ҳисоб-китоблар учун қўлланиладиган бошқа ахборотларни йиғиш мақсадида ихтиёрий суғурта компаниялари томонидан ишлатилади. Ушбу тизим маълумотлар мажмуаси ва таснифлагичларни тузиш функциясини, полислар ва суғурта шартномаларини олиб бориш, қайта суғурта қилиш шартномаларини олиб бориш, шартноманинг базавий кўрсаткичларини киритиш ёки ҳисоб-китоб қилиш, барча суғурталар бўйича ҳисоб-китобларни автоматлаштириш функцияларини ўз ичига олади ва бухгалтерия, суғурта ҳамда қайта суғурта блоклари орасида икки томонлама йўналган маълумот алмашуви мавжудлигини назарда тутаяди.

Бундай имкониятларнинг мавжудлиги айниқса, ҳаётни суғурта қилиш ва пенсия суғуртаси соҳасида имкониятларнинг ўсиб бориши муносабати билан суғурта саноати учун борган сари долзарб бўлиб қолмоқда. Суғурта хизматларига бўлган талабнинг ошиши суғурта компанияларининг активлари ва суғурта захираларининг йилдан-йилга ўсиб боришига сабаб бўлмоқда.

Суғурта ташкилотларида замонавий информацион технологияларни қўллашда АҚШ етакчиликини эгалламоқда. Тадқиқотилармиз шуни кўрсатмоқдаки, Америка суғурта ташкилотларининг интернет-суғурта фаолиятини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Суғурта порталлари Америка бозорида алоҳида ўрин тутаяди. Одатда, ушбу тармоқ ресурслари энг йирик суғурта компаниялари тўғрисида маълумот беради. Интернет-порталлар веб-сайтларида, шунингдек, суғурта компаниясининг шахсий веб-сайтида ташриф буюрувчи интернет орқали тўғридан-тўғри суғурта полисини сотиб олишлари мумкин.

Ташриф буюрувчилар турли турдаги суғуртачиларнинг нархларини бир хил турдаги хизматлар учун таққослашлари мумкин, муайян компания томонидан муайян суғуртага киритилган объектларни топишлари мумкин.

Бундай универсал портал QuickenInsurance.com ва тиббий суғурта портали eHealthInsurance.com ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда энг кўп ташрифлар бўйича суғурта порталлари таҳлили кўрсатилган.

Жадвал 1

АҚШ да энг кўп ташриф буюриладиган суғурта ташкилотлари сайтлари[7]

Сайт	Ташриф буюрувчилар (минг.)
1. InsWeb.com	848
2. Geico.com	525
3. Progressive.com	520
4. Eterm.com	402
5. Insure.com	308
6. MetLife.com	269
7. Allstate.com	251
8. Statefarm.com	219
Сайтга ташрифлар:	3813
WWW умумий ташрифлари:	78534

Америка аналитик компанияси Gomez.com доимий равишда молиявий интернет-хизматлар учун бозорнинг динамикасини кузатиб боради ва ушбу бизнесда иштирок этадиган компаниялар рейтингини ўтказди. Бизнинг шарҳимизда берилган рейтингни тузишда 4 параметр ҳисобга олинди (10 балл ўлчов бўйича):

Фойдаланувчи учун қулайлик - функцияларни намоиш қилиш, дизайн ва навигация қилиш, ўтказиладиган операциялар қулайлиги;

Харидор ишончи - кўп каналли мижозларни қўллаб-қувватлаш, фирма обрўси, молиявий барқарорлик, қаттиқ махфийлик сиёсати;

Сайтнинг хусусиятлари - муайян маҳсулотларнинг мавжудлиги ва улар бўйича онлайн операцияларни ўтказиш имконияти;

Алоқа бошқариш - сайтни шахсийлаштириш, онлайн ёрдам, суғурта ҳақида қўшимча маълумотлар ва бошқалар.

Жадвал 2

АҚШ интернет-порталларининг сифат бўйича рейтинг[5]

Компания	Рейтинг
1. InsWeb	7.04
2. Answer Financial	7.01
3. insurance.com	6.32
4. Pivot	6.26
5. YouDecide.com	5.82
6. QuickQuote	5.60
7. Countrywide	5.56
8. Netinsurance	4.53
9. Quotesmith	4.37
10. ReliaQuote.com	4.16

АҚШ Интернет-суғурта бозорининг салоҳияти 2017 йил охирида Gomez.com томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқотлари маълумотлари билан тасдиқланган. Таҳлил доирасида тадқиқотчилар суғурта мукофотларини онлайн тўлаш, мижозларга суғурта тарихига кириш ва шахсийлаштирилган маълумотларни янгилашга эътибор қаратдилар. Замонавий компаниялар Интернет-ваколатхонасини ривожлантириш доирасида суғурта хизматларининг ушбу жиҳатларига эътибор қаратишлари керак. Айни пайтда АҚШда ҳаётни суғурталаш полигонларининг 2,5 фоизи интернет орқали тўланади ва мижозларнинг 27,4 фоизи ушбу хизматга қизиқади[2].

Шу билан бирга, Интернет тармоғи ривожланиб боргани сари суғурта ахборот тизимларини Интернет технологиялари асосида ишлаб чиқишга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Интернет-суғурта – суғурта қилдирувчининг суғурта ҳимоясига бўлган талабларини Интернет ёрдамида қондиришга йўналтирилган суғуртачи, суғурталанувчи ва бошқа профессионал иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлик шакл ва усуллари тўпламини ўз ичига олувчи суғурта бозорининг ташкилий- иқтисодий муносабатлар тизимини ифодалайди.

Айни дамда суғурта компанияларининг Интернетга бўлган интилишларини асосан икки йўналишда ифодалаб бериш мумкин:

-Интернетда суғурта бизнесини ташкил қилиш (виртуал ваколатхоналарни очиш, интернет орқали суғурта полисларини сотиш ва суғурта шартномаларини интернет орқали кузатиб бориш ҳамда санаб ўтилган суғурта кўринишларини бирлаштирувчи порталлар);

-Интернет билан боғлиқ рискларни суғурта қилиш (бевосита тармоқ жиноятчилигидан, электрон қурилмаларни суғурта қилиш, молиявий рискларни суғурта қилиш, ҳамда турли кўринишдаги жавобгарликларни суғурта қилиш ва бошқалар).

Онлайн режимда электрон суғурта полисларини сотиш механизмининг ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган. Ушбу механизм айни пайтда амал қилаётган суғурта полисларини қоғозда расмийлаштириш тартиби ўрнини эгаллашга мўлжалланган бўлиб, бу айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланаётган даврда долзарбдир.

Суғурта ташкилотларида молия-хўжалик фаолиятининг очиклиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида компанияда молиявий ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар, ходимларни бошқариш, ишлаб чиқариш-техник фаолиятни компьютерлаштириш бўйича интеграциялаштирилган комплекс ахборот тизими жорий қилинмоқда. Мижозлар базаси учун суғурта сервисига ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида мижозларнинг муайян суғурта маҳсулоти ёхуд хизматлар бўйича маълумотлар олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон суғурта бозорида мустақиллигимизнинг илк даврларидан hozirгача етакчи ўринларни эгаллаб келаётган “Кафолат” суғурта компанияси томонидан мобиль қурилмалар учун иловалар ишлаб чиқилмоқда. «Android» платформасидаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш калькулятори» мобиль иловаси транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий

суғурталаш бўйича суғурта мукофотларини ҳисоблашга мўлжалланган. Мазкур илова фойдаланувчига шахсий маълумотлар, транспорт воситаси тури, рўйхатдан ўтган ҳудуд, тарифлар, фойдаланиш муддати ва бошқа параметрлардан келиб чиққан ҳолда, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта қийматини мустақил ҳисоблаш имконини беради. Илова транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полисларини сотиш билан шуғулланадиган суғурта агентлари ва суғурта хизматидан фойдаланувчилар учун ҳам фойдалидир.

Суғурта компаниялари ўз фаолиятлари давомида турли хил маълумотлардан ташкил топган катта ҳажмдаги ахборот эгасига айланади. Бундай маълумотларнинг кенг доирадаги шахслар орасида тарқатилиши компания ва унинг мижозларига молиявий зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолларда суғурта ахбороти мустақил қийматга эга бўлган активга айланади. Шунинг учун суғурта компанияларидаги хавфсизлик хизматлари мутахассислари, компаниялар маълумотларини ҳимоялаш учун катта куч сарфлашга мажбур.

Суғурта фаолияти соҳасида маълумотларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий бошқаруви маълумотнинг мавқеи ҳуқуқий ҳимоялаш объекти сифатида бир нечта қонун ҳужжатлари билан бошқарилади. Уларнинг орасида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисидаги”, “Давлат сири тўғрисидаги”, “Тижорат сири тўғрисидаги” қонунлари, Фуқаролик кодекси ва бошқалар мавжуд.

Суғурта компанияларининг фаолиятида қуйидаги маълумот объектлари пайдо бўлади:

-суғурта компаниясининг ўз тижорат сири, унинг шартномаларидаги маълумотлар, молиявий муносабатлар, бухгалтерия маълумотлари;

-мижозларнинг ва корхона шерикларининг тижорат сирлари, уларнинг активлари, мулки, тўловлари, амалга оширилган тўлов ҳодисалари ҳақидаги маълумотлар;

-компания ва унинг мижозлари ходимларининг шахсий маълумотлари, бу маълумотлар ўз ичига баъзида автоуловлар, хайдовчилик гувоҳномалари, кредит карточкалари рақамларини қамраб олади;

-компаниянинг ихтиёрий тиббий суғурта хизматларидан фойдаланадиган мижозларининг тиббий сири.

Хавфсизликка бўлган таҳдидлар турларининг рўйхати ўз ичига келиб чиқиши ҳам ички, ҳам ташқи бўлган хуружларни қамраб олади. Суғурта компанияларига тегишли бўлган маълумотлар базалари, кўпинча хакерларнинг ҳужум объектларига айланади. Жиноий ҳаракатларнинг мақсадлари аксарият ҳолларда телефон рақамлар, автоуловлар рақамлари, тиббий маълумотлардан иборат бўлган мижозлар маълумотлар базалари ҳисобланади. Бир қатор ҳолатларда, фирибгарлар, суғуртачилардан ўғирланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, клон-сайтлар яратиб, улар орқали сохта полислар сотилиши йўлга қўйилган. АҚШда ўтган йили жиноятчилар томонидан энг йирик суғурта компанияларидан бирининг ҳимоя тизими

бузилган, бунинг натижасида юз минглаб мижозларнинг маълумотлари ошқора этилди.

Бундан ташқари, компанияларнинг компьютер тизимларига турли вируслар кириб, қуйидаги зарарларни етказиши мумкин:

- муҳим файлларга киришни тўсиб қўйиш;
- файлларни йўқ қилиш;
- маълумотларни учинчи шахслар етказиш.

Ўрнатилган антивирус ҳар доим ҳам режалаштирилган ҳужумдан ишончли ҳимоя бўла олмайди. Суғурта компаниясининг компьютер тармоқларига бўлган ташқи хавфлардан ташқари ичкилари ҳам мавжуд. Ходимларнинг баъзилари тижорат ахборотини тарқатиш ёки рақобатчиларга тақдим қилиш мақсадида уни атайлаб ўғирлаши мумкин.

Суғурта компаниясининг хавфсизлик хизмати махфий маълумотларни ҳимоя қилиш сиёсатини ишлаб чиқади ва раҳбариятга тасдиқлаш учун тақдим қилади. Ушбу локал меъёрий ҳужжат қуйидагиларни ўз таркибига олиши зарур:

- компанияда махфий маълумотларни ҳимоялашнинг асосий принциплари;
- ҳар бир ходимнинг унга бириктирилган маълумотлар қисмини ҳимоя қилиш юзасидан мажбуриятлари;
- раҳбариятнинг маълумотлар ҳимоясини таъминлаш бўйича вазифалари;
- компьютер техникаси ва коммуникациялар воситаларини ишлатиш регламентлари;
- ҳужжат талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари.

Кўпроқ даражада улар ахборот чиқиб кетишининг ички хавфларини бартараф қилишга ва ходимларни тасдиқланган регламентларга риоя қилишларига мотивация қилишга йўналтирилган. Ушбу чоралар, хавфсизлик хизмати томонидан персонални бошқариш хизмати ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий чоралари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

-ходимларнинг таркибида тижорат сирини мавжуд бўлган маълумотларга кириш ҳуқуқларининг турли даражаларини белгилаш;

-суғурта компаниясининг махфий маълумотга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сонини чеклаш;

-моддий ташувчилардан фойдаланиш тартибини ташкил қилиш, ҳужжатларни нусхалаш ва сканерлаш устидан назорат ўрнатиш, ташқи электрон почтага ходимларнинг кириш ҳуқуқларини чеклаш;

-регламентларнинг риоя қилинишини даврий текширишларини ўтказиш;

-маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича тренинглари ўтказиш учун мутахассисларни жалб қилиш;

-тижорат сирини режимини яратиш бўйича тегишли тадбирлар ўтказиш;

-мижозлар билан тузиладиган шартномаларга, уларга топширилган маълумотга нисбатан тижорат сирини режимини риоя қилишлари юзасидан мажбуриятларига тегишли бандларнинг киритилиши;

-маълумотни тарқатишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортилиши.

Хулоса ва таклифлар

Баъзида ахборот хавфсизлиги билан ишлаш тизими компанияда вазифасига фақат шу фаолият кирадиган махсус тузилма ташкил қилинишини талаб қилади. Шунингдек, ахборот тизимларининг аксарияти лойиҳалаштирилаётганда, ташқи хуружлардан ҳимоя қилиш даражаси ҳозирги вақтда зарур бўлганидан анча паст эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Ахборот хавфсизлини таъминлашда техник чоралар гуруҳи таъсирчан техник ҳимоя воситаларини ишлатишга мўлжалланган. Унинг амалга оширилиши учун аппарат, дастурий ва криптографик воситаларидан фойдаланилади. Биринчилари заҳиравий нусхалаш тизимларини ўрнатиш ва ноқонуний киришдан ҳимоя қилишга йўналтирилган, иккинчилари антивируслар ва бошқа ҳимоя дастурларининг ишлаши учун жавоб берса, учинчилари алоқа каналлари орқали узатиладиган ва сақланаётган барча маълумотларнинг шифрланишини таъминлайди.

Кўпинча маълумотларни ҳимоялаш учун тармоқлараро экранлар ва ноқонуний киришларни аниқлаш тизимларидан фойдаланилади. Техник воситалар доимий янгиланиш ва модернизацияни талаб қилади, чунки дастурий маҳсулотларнинг эскириш тезлиги ўта юқори. Бугунги кунда маълумотларни ҳимоялаш бўйича комплекс чораларини таъминловчи дастурлар таклиф қилинмоқда, кун сайин фирибгарлар ҳимоя тўсиқларини енгиб ўтишнинг янгидан-янги усулларини ишлаб чиқмоқдалар, шу билан бирга, қимматли маълумотларни йўқотиш хавфининг даражаси ўсиб бормоқда, ҳамда молиявий йўқотишларнинг эҳтимолли хавфлари ҳам. Хавфларни ўз ҳимоя тизимларини аудитдан ўтказиб, уларнинг модернизацияси бўйича тавсияларни олган ҳолда камайтириш мумкин. Суғурта компанияси хавфсизлик хизматининг ишида замонавий техник воситаларининг комплекс қўлланиши маълумотларни чиқиб кетишдан ва уларга ноқонуний киришдан юқори ҳимоя даражасини таъминлаши мумкин. Барча амалга ошириладиган чоралар республикамиз қонунчилиги талабларига тўлиқ мос келишини ҳисобга олиш лозим.

Замонавий информацион технологиялардан суғурта ташкилотларида кенг фойдаланиш қуйидагилар учун имконият яратади:

-аҳолининг суғурта институтига бўлган ишончини мустахкамлаш ва суғурта бозорини янада ривожлантиришга;

-Ўзбекистонда суғурта ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, жамият томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини ошириш, жамият фаолиятига халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этишга;

-республика иқтисодиётининг устувор тармоқларига сармоялар киритувчи хорижий инвесторлар манфаатларини суғуртавий ҳимоясини таъминлашга;

-саноат корхоналари ва қурилиш объектларини суғуртавий ҳимоя билан таъминлашга;

-жамиятнинг янги бўлинмаларини ташкил этиш орқали фаолият кўламини кенгайтиришга;

-кўрсатилаётган суғурта хизматларининг таннархини камайтиришга;

-суғурта мукофотлари тушумини кўпайтириш борасида қўйилган

вазифаларни амалга ошириш ва шу орқали табиий ва техноген ҳодисалар туфайли юзага келадиган зарарни қоплаш орқали давлат бюджети харажатларини камайтиришга;

-янги иш ўринлари яратишга.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта хизматлари бозорида Интернет-бизнес, замонавий инфор­мацион технологиялардан фойдаланиш, суғурта ташкилотларида ахборот хавфсизлигининг ўрни бекиёсдир. Шу боис Ўзбекистонда интернет-суғуртани ривожлантириб бориш истиқболли аҳамиятга эга бўлиб, бу истиқбол суғурта хизматлари бозори ҳажмининг катталиги ва бозорнинг салоҳиятли иштирокчиси бўлган мижозга мулоқот қилиши учун телефон рақамларини қолдириш, E-mail анкеталарини тўлдириш таклифи бўлган Off-line тартибидаги харидларни амалга оширишни таклиф қилиш имкониятлари мавжуд бўлган сайтларга эга бўлиб бораётганлиги билан боғлиқдир.

Онлайн суғурта соҳасидаги барча янгиликлар ва ўзгаришларга қарамасдан, бугунги кунда куйидаги катор хусусиятлар мавжуд:

- суғурта шартномасини тузиш учун ҳақиқий ҳужжатларни талаб қилади, бу эса интернет-суғуртанинг моҳиятини камайтиради,

- суғурта қопламаларни онлайн режимида олишни ҳозирча иложиси йўқ,

- ҳозирги кунга қадар кўпчилик "офисда" суғурта ташкил этишни афзал кўришади. Бу ҳолат биринчи навбатда аҳолининг хабардорлиги ва суғурта соҳасининг Интернет тармоғида етарли даражада тараққий этмаганлиги ҳақида гапиради. Баъзи сайтлар мижозлар билан ишлашга тўлиқ мослаштирилмаган: фойдаланувчи интерфейси йўқ. Шунга қарамасдан, мустақиллигимизнинг 27 йиллик ривожланиш тарихи учун онлайн суғурта олдинга катта қадам қўйди, муваффақиятлар ва истиқболлар мавжуд.

Умуман олганда, мамлакатимизда суғурта полисларини сотишда замонавий интернет тармоғидан фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар Ўзбекистон суғурта ташкилотларини жаҳон стандартларига жавоб беришини кафолатлаши муқаррар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси.

2. Between Public and Private Insurance Solutions For a Change Society. (June 2016) C.A.E., P. 15 // cea.assur.org

3. Свєрдюк Л.А., Багаєва А.П. Интернет-страхование // Актуальные проблемы авиации и космонавтики. — 2016. — № 8. — С. 407–408.

4. www.gomez.com

5. www.quickeninsurance.com

6. www.ehealthinsurance.com

7. www.mediametrix.com